Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 18-may, shanba № 61 (3254)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни, республика минтақалари иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида аниқ касблар бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига амалдаги эҳтиёжни танқидий таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 26 та касб-ҳунар коллежини қайта ихтисослаштиришга доир таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда иқтисодиёт тармоқларининг ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини республиканинг касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг умумий параметрлари тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (А.И.Икромов), республиканинг касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари асосида икки ҳафта муддатда 2013/2014 ўқув йилида вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича ҳар бир академик лицей ва касб-ҳунар коллежига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини қабул қилиш параметрларини тасдиқласин.

(Давоми 2-саҳифада).

Экспортбоп маҳсулотлар

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарида жаҳон стандартларига мос сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мазкур корхоналар томонидан ўтган йили қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда бир қатор янги лойиҳалар амалга оширилиб, аккумулятор симлари, мобил телефонлар, планшет, модем ва интернет учун қўшимча жиҳозлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда катта қизиқиш уйғотаётир.

Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони асосида бунёд этилган улкан салоҳиятли ушбу ҳудудда «NAVOIY HUNAN PULP» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ҳам самарали фаолият юритаётир. Бугунги кунда бу ерда олти турдаги болалар тагликлари ва гигиеник воситалар ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамиз замонавий ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланган, бу эса иш сифати ва унумдорлигини ошириш имконини бермоқда, — дейди корхона раҳбари Лола Ўринова. — Бугунги кунда 58 нафар ишчи-ходим меҳнат қилаётган жамоамизда маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Суратда: ишчи Гулҳаё Аҳмадова.

Ўтган йили корхона ўз буюртмачиларига 2977,1 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди. Айни пайтда корхонада хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ишчиларнинг билим ва малакасини ошириш борасида иш олиб борилмоқда.

— Корхонада меҳнат қилиш ва дам олишимиз учун барча шароитлар яратилган, — дейди ишчи Гулҳаё Аҳмедова. — Ўтган йили Навоий техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тамомлаб, шу корхонага қадоқловчи бўлиб ишга жойлашган эдим. Эгаллаган касбим бўйича меҳнат қилаётганимдан мамнунман.

Асосан ёшлар меҳнат қилаётган корхона жамоаси солиқ ва бошқа турдаги қулайлик ва имтиёзлардан кенг фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ички ва ташқи бозор талабини ўрганиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар турини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.
Сирож АСЛОНОВ
(ЎзА) олган сурат

Дунё алплари Термизда давралайди

Бугун Термиз шаҳрида миллий кураш бўйича Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун XI халқаро турнир бошланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунлардан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида қадриятларимизни тиклаш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, маҳоратли ва етук спортчилар тайёрлаш масалаларига доимий равишда эътибор бериб келинмоқда. Зеро, юрт келажагини, тақдирини маънавий етук, жисмонан соғлом авлод ҳал қилади.

Бугунги кунда халқчил ва жаҳон миқёсида тан олинган спорт турларидан бири ўзбек миллий кураши, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. 1993 йилдан буён ўтказилган ўн турнирда кураги ерга тегмаган полвонлар ғолиблик учун беллашиб, миллий курашимизнинг довруғини дунёга достон қилдилар.

Бу йилги мусобақаларга жаҳоннинг қирққа яқин давлатидан нуфузли меҳмонлар ва энг кучли полвонлар ташриф буюришди. Меҳмонлар тантанали кутиб олинди. Беллашувларда Франция, Греция, Жанубий Африка, Янги Зеландия, Таиланд, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Исроил каби давлатларнинг вакиллари ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Воҳада мазкур мусобақани юқори савияда ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Кўча ва хиёбонлар байрамона безатилган. Замонавий меҳмонхоналар, ошхона ва бошқа хизмат кўрсатиш иншоотларида барча қулайликлар яратилган. Иштирокчиларнинг бўш вақтларида турли маданий тадбирлар уюштирилади. Замонавий усулда жиҳозланган муҳташам «Сурхон» спорт мажмуасида мусобақа иштирокчилари ва мухлислар учун барча шароит мавжуд.

Турнирнинг мутлоқ ғолибига 10 минг АҚШ доллари соврин сифатида берилади. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ҳам муносиб рағбатлантирилади. Бундан ташқари, ўз вазни тоифасида ғолибликни қўлга киритган полвонларга ҳам совринлар топширилади.

Ҳаким ат-Термизий бобомиз айтганларидек, «Кураш — мангу, кураш — ҳалол-пок». Полвонларимиз майдонда мардона, ҳалол курашиб, мухлисларнинг олқишига, албатта, сазовор бўлишади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

СЕМИНАР

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод бўлишига эришиш йўлидаги интилишлар ўз самарасини бераётир. Деярли барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар сўнгги йиллар билан қиёсланганда қанчалар салмоққа эга экани яққол кўзга ташланади.

Самара салмоғи билан

Обод турмуш йилининг ўтган даврида ижтимоий тараққиёт йўлида Навбаҳор туманида бир мунча силжишларга эришилди. Президентимизнинг 2012 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2012 йил 26 ноябрдаги қарорига асосан туманда жорий йилда давлат бюджети ҳисобидан қурилади-ган объектларнинг тасдиқланган манзилли дастури ижросини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳозирда 19-, 34-умумтаълим мактабларида қурилиш-монтаж ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши ҳақида фақат илиқ фикрларни билдириш мумкин. Тумандаги «Бешработ» ҚФЙдаги «Бойҳо» массиви ҳамда «Янгийўл» ҚФЙ ҳудудидаги «Шўртепа» массивларида жадал давом этаётган қурилиш-монтаж ишлари ҳадемай қишлоқ аҳоли пунктлари қиёфаси тубдан яхшиланишидан далолат.

Жорий йилда ҳудудда бюджет маблағи ҳисобидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 16,2 км.лик сув қувури ётқизилади. Шу тариқа «Қоражон», «Ўзбекистон», «Келачи», «Учтут», «Қизилработ», «Ўрозобод» ҳамда «Арабхона» қишлоқлари аҳолисининг азалий орзулари рўёбга чиқади. Шунингдек, 23,57 км.лик хўжалик йўлларига шағал ётқизилиб, асфалтлаштирилмоқда. Бу эса, 4 та шаҳар типидаги қўрғонча, 21 та қишлоқ ички йўллари равонлаштирилади, демакдир. Кўчаларнинг ёритгич чироқлари билан чароғон этилиши ҳам назардан четда қолмаган. Кези келганда, мазкур ишларнинг амалга оширилишида касаба уюшма аъзоларининг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаш лозим.

Хўш, тараққиётда янада самарали натижаларга эришиш, иқтисодий-ижтимоий юксалишни изчил давом эттириш ва шунинг баробарида меҳнаткашларнинг ишончли ҳимоячиси саналмиш касаба уюшмалари мақомини оширишда яна нималарга аҳамият бериш лозим?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Навбаҳор туманида ўтказилган семинар-йиғилишда ана шу ва ўз ечимини кутаётган бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида тушунчалар берилиб, қуйи бўғин вакилларининг фикр ва тавсиялари ўрганилди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирок этди ва маъруза қилди.

Ошкоралик, савол-жавоб, таклиф ва мушоҳадаларга бой тарзда кечган йиғилиш иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

БУГУНГИ ЁШЛАР

Кредит олиб бизнесга

Касб-ҳунар коллежларида ёшларнинг илм олиб, ҳунар эгаллаши учун барча шароит муҳайё. Талабалик даврида ёқ имтиёзли кредит олиб, битирган заҳоти тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётганларни айтмайсизми!

Қўшкўпир туманидаги Ғозовот маиший хизмат касб-ҳунар коллежида тикувчилик йўналишида таҳсил олаётган қизлар ҳам ҳунармандлик сирларини эгаллаб, уни янада такомиллаштириш, келажакда хусусий фирмалар ташкил этишни ният қилишган.

— Ўқувчилар амалиёт пайтида чеварликни пухта ўрганишади, — дейди тикувчилик гуруҳи ўқув амалиёти бўйича раҳбари Ойша Матмуродова. — Бунинг учун коллежимизда имконият етарли.

Дарҳақиқат, амалиёт хонасидаги жиҳозлар, тикув машиналари юқоридаги фикрни исботлайди. 3-босқичда таҳсил олаётган 30 нафар ўқувчи қиз қизғин машғулот пайтида, бичиш-тикиш билан банд.

— Биз 10 нафар дугона ҳунарманд бўлмоқчимиз, — дейди Дилафрўз Жуманазарова. — Бу йил ҳеч қайсимиз чеварларга бориб кўйлак тиктирмадик. Ўзимиз мато танлаб, либосимиз бичимини ҳам ўзимиз яратдик.

— Бултур 7 нафар ўқувчи кредит олиб, бизнесини йўлга қўйганди, — дейди коллеж директори Маҳмуджон Тангриберганов. — Бу йил эса 30 га яқин ўқувчи кредит олиш тараддудида. Бундан жуда хурсандмиз. Бу улар ҳаёт йўлларини танлаб улгуришганлигидан дарак беради.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,
Хоразм вилояти

ЯНГИЛИКЛАР ОҚИМИДАН

ТОШКЕНТ

Пойтахтимиздаги Турин Политехника университетида Ўзбекистон шароитида биогаз олиш бўйича замонавий технология ва унинг меъёрий-техник таъминотига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес-форуми» лойиҳаси кўмагида ташкил этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов мамлакатимизда муқобил энергетикани ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 мартда қабул қилинган тегишли Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда. Мазкур ҳужжат доирасида Савдо-саноат палатаси қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда саноат тармоқларида энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишларини бажармоқда, қуёш, биогаз ва бошқа турдаги энергияни ишлаб чиқаришга оид янги технологияларни қўллаш масаласини кўриб чиқмоқда.

Муқобил энергия манбалари бўйича техник ечимларни (намунали лойиҳалар) ишлаб чиқиш учун танлов ташкил этиш ҳақидаги таклиф иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

САМАРҚАНД

Самарқанд шаҳрида «Давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалалари» мавзусида семинар ўтказилди.

ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Самарқанд ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида янги таҳрирда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, уни қўллаш амалиёти ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда ҳудудий адлия органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш масалалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан назорат ва мониторинг олиб бориш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштириш тартибига бағишланган маърузалар тингланди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлимининг кўргазмалар саройида Обод турмуш йилига бағишлаб «Ёш истеъдод эгалари» деб номланган кўргазма очилди.

ЁШ МУСАВВИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Мазкур кўргазмадан Нукус ихтисослашган санъат мактабида таҳсил олаётган бўлажак мусаввирлар ҳамда санъатга иштиёқманд ёшларнинг манзара, натюрморт, портрет жанрларида графика ва мойбўёқда ишланган 200 га яқин асарлари ўрин олган.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон бўлими кўргазмалар саройида кутубхона очилди. Бу ерда рассомлик санъатига оид адабиётлар жамланган бўлиб, улардан бепул фойдаланиш йўлга қўйилган.

ЎзА хабарлари асосида тайёрланди

Ishonch
2013-yil 18-may № 61 (3254)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини, ўқувчилар ва улар ота-оналарининг танланган ва иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўқишга талабини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника базаси мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлашга алоҳида эътибор берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига, зарурат бўлганда, умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ўз тасарруфида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2013/2014 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин ҳамда шу йил 10 августгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига қабул қилиш натижалари бўйича якуний ахборот тақдим этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари зиммасига умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини келгусида академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Бунда умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирувчи қизларнинг касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан қамраб олинишига алоҳида эътибор қаратилсин.

9-синфлар битирувчиларини ўқитиш билан қамраб олишнинг якуний натижалари тўғрисида жорий йилнинг 15 августигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2013/2014 ўқув йили учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилишнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар таъминоти учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилаётган ва янгидан фойдаланишга топширилаётган касб-ҳунар коллежларида ва филиалларида 2013/2014 ўқув йили бошлангунга қадар сифатли ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, уларда кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компютер техникаси, зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 16 май

ЎҚУВ

Мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари устувор бўлиб, бу эса касаба уюшмаларидан меҳнаткашларга ишончли таянч бўлишдек катта масъулиятни юклайди. Бунда изчиллик билан олиб борилаётган ижтимоий шериклик муносабатлари муҳим аҳамиятга эга бўлаётир. Ҳамкорликка оид битим, келишув ва жамоа шартномалари каби қонуний асослар йилдан-йилга мукаммаллашиб бормоқда. Айниқса, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Республика Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув, боз устига ижтимоий шериклар сони ошиб бораётгани касаба уюшмалари фаолиятида туб бурилиш ясади.



Давр билан ҳамнафас

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан Тошкент вилояти тармоқ касаба уюшмалари фаоллари иштирокида «Касаба уюшмалари давр билан ҳамнафас» мавзусида ўтказилган ўқув-семинарда шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Қувондиқ Муқумов, тармоқ Марказий кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Абдуҳамид Юлдашев, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Жаҳонгир Саидовнинг маърузалари тингланди.

Тадбирда тармоқ фаолларига касаба уюшма фаолиятига доир низом, йўриқнома, тартиб ва услубий қўлланмалар каби ҳужжатлардан иш жараёнида фойдаланиш ҳамда тадбирлар ўтказиш бўйича тушунтиришлар берилди.

Ҳозирда тармоқ Марказий кенгаши 2788 та бошланғич ташкилот орқали 288 000 дан зиёд аъзони ўз сафига бирлаштирган. Такомиллашув натижасида Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари тизимидаги ҳамда Суғурта компаниялари каби 90 дан зиёд янги ташкилот қамраб олинди.

Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, улар соғлигини мустаҳкамлаш каби масалалар акс этган тармоқ келишуви ҳамда жамоа шартномалари мазмуни янги қабул қилинган қонунлар асосида бойитиб борилаётгани ҳам эътироф этилди. Кадрлар билимини кучайтириш, аъзолик афзалликларини асослаш мақсадида ташкил этилаётган ўқув-семинар, давра суҳбати ҳамда очиқ мулоқот тарзидаги учрашувлар ҳам ўз самарасини бераётир.

Айниқса, 23000 нафардан зиёд аъзони бирлаштирган вилоят тармоқ касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган тадбирлар ҳақида алоҳида таъкидланди. Жумладан, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 90 дан зиёд маданий-маърифий анжуман, 25 марта спорт тадбирлари ўтказилди.

Семинар якунида иштирокчиларга тармоқ Марказий кенгаши томонидан чоп эттирилган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Раёсати ва Мажлисларида қабул қилинган Низом ва Йўриқномалардан иборат «Меъёрий ҳужжатлар тўплами» тарқатилди. Бошланғич ташкилот етакчиларига ишни тўғри ташкил этишда ушбу қўлланмадан унумли фойдаланиш юзасидан йўл-йўриқлар берилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

НАМУНАЛИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИДА

Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидаги туб ўзгаришлар, айниқса, туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, улар мавқеини янада ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар давр талабига ҳамоҳанг бўлаётир.

Назарий ва амалий

Ромитан Бухоро вилояти ҳудудидаги бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятини олиб бориш учун намунали туман сифатида танланган бўлиб, ўтган даврда бу ерда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимлари шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам бериб, илғор тажрибаларни оммалаштирмоқда.

Яқинда туман ҳокимлиги мажлислар залида навбатдаги тадбир ўтказилди. Вилоятдаги касаба уюшма туман кенгашлари ҳамда ушбу туман бошланғич ташкилотлари раислари иштирокида ўтказилган ўқув-семинарда ташкилотларнинг Устав фаолиятларини намунали ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Ғулом Сафаров семинарни очар экан, намунали туманда фаолият кўрсатаётган 182 та бошланғич ташкилотнинг фаолиятига эътибор қаратди. Жумладан, иш берувчилар билан олиб борилган музокаралар натижасида барча бошланғичларга алоҳида хона ва кўргазмали жиҳозлар ажратилди. Улар фаолият учун зарур қўлланмалар, компютер мажмуалари билан таъминланди. Ходимлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларининг ҳимояланиш даражаси ошди. Бошланғичлар раислари малакасини ошириш, тажриба алмашинуви йўлга қўйилди.

Тадбирда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Қувондиқ Муқумов туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигининг устувор вазифалари ҳақида тўхталиб ўтди. Жумладан, аъзолар ижтимоий, ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш, санаторийларга берилаётган йўлланмалар тўғрисида тушунтиришлар берилди. Шунингдек, бирлашма бўлим мудирлари сўзга чиқиб, амалдаги йўналишлар бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифаларга эътиборни қаратишди.

Назарий машғулотлар тугагач, иштирокчилар икки гуруҳга бўлиниб, «Ромитан» ҚФЙ ҳудудидаги бирлашган фермер хўжаликлари касаба уюшма қўмитаси ва тумандаги 7-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитасининг ибратли ишлари билан яқиндан танишди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тажриба алмашилди

Касаба уюшма туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини намунали ташкил қилишда амалий ёрдам кўрсатиш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш, касаба уюшмалари олдида турган вазифалар ва истиқболли режаларни белгилаш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Боёвут туманида амалий ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда вилоятдаги барча туман кенгашлари раислари, тармоқ касаба уюшма бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирок этди. Семинарда касаба уюшма фаоллари фаолият самарадорлигини ошириш бўйича фикр ва тажриба алмашдилар. Унда касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ў.Адилов қатнашди.

Тадбир доирасида иштирокчилар фаолияти намунали йўлга қўйилган «Боёвут пахта тозалаш» заводида бўлиб, бошланғич касаба уюшма ташкилоти иши билан яқиндан танишдилар. Корхона ҳудудининг ободлиги кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

— Боёвут туманининг Деҳқонобод хўжалигида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлардан ходимларимизга олиб берилаётир. Жумладан, маъмурият томонидан 7 нафар ишчига иш ҳақи ҳисобидан ёрдам сифатида 35 миллион сўмдан маблағ ўтказиб берилди, — дейди корхона касабақўм раиси Саъдулла Жўраев. — Ходимлар фарзандларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Жорий йил ёз мавсумида 120 нафар болани дам олдириш режалаштирилган.

Семинар иштирокчилари корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш хонасида бўлишди. Улар ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича билими етарли эканига ва бу борадаги ишлар намунали олиб борилаётганига гувоҳ бўлишди. Муҳими, бу ерда меҳнат муҳофазаси устидан уч босқичли жамоат назорати йўлга қўйилган.

Завод ишининг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Шунинг учун ҳам касаба уюшмаси ходимларнинг соғломлаштирилиши, маданий дам олишига алоҳида эътибор қаратган. Жорий йил июл ойида 80 нафар ходимнинг мамлакатимиз тарихий шаҳарларига саёҳатини ташкил этиш режалаштирилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 9 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида Фарғона вилоятида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ёзёвон туманидаги «Ветеран ўрикзор» фермер хўжалиги иқтисодий бақувват субъектлардан. Айни кунларда хўжалик боғларида олхўри, гилос ва шафтоли дарахтлари бир текисда яшнаб турибди. Хўжалик раҳбари Тошмуҳаммад Саримсоқовнинг айтишича, бу йил эрта баҳорда 3 гектар майдонда интенсив боғ яратилиб, 1300 туп олманинг беш хил нави экилди. Бундан ташқари, хўжаликда карам, помидор, сабзи, картошка етиштириш ҳам йўлга қўйилган.

Суратда: Ёзёвон туманидаги «Ветеран ўрикзор» боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги раҳбари Тошмуҳаммад Саримсоқов.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Маҳмадали

1.

Деҳқонободнинг Катта Ўра дарё ҳудудидаги қишлоқларидан бирида ёши тўқсоннинг сарҳадини яримлаган Маҳмадали Жумаев деган отахон истиқомат қилади.

Гапнинг индаллосида бир сирни ошкор этмоқчимиз, тақдир тақозоси билан шу томонларга йўлингиз тушиб, отахоннинг исми шарифини атаб сўрасангиз кўпчилик «танимайман» қабилида елка қисиб қўяди. Агар:

— Наҳот Маҳмадали буғолтирни танимасангиз, — деб эътироз билдирсангиз катта-ю ёш:

— Шундай демайсизми, Катта Ўрада буғолтир бобони танимаган одам борми, жуда суҳбатижон, нуктадон киши, — дейиши аниқ.

Қаҳрамонимизнинг ҳаёти серқирра, қизиқишларининг сарҳади кенг, масалан, ёшлигидан қўрасида от парваришлайди, кўпкариларда унинг отлари чавандозлар ўртасида талаш бўлади. Тўғри, тоғ қишлоқларида бу ишнинг уддасидан чиқадиганлар анчагина. Лекин Маҳмадали буғолтирнинг отлари бошқача, гўё икки биқинида икки қаноти бордек, суворий бир қимтиганда қушдек елади. Аммо бу гал отахоннинг унча-мунча одамнинг ҳафсаласи етишмайдиган бошқа бир қизиқиши ҳақида сўз очмоқчимиз.

Отахон ўн беш ёшидан буён кундалик дафтар юритаркан.

Дафтарлари сони аллақачон йигирмадан ошган. Ичига қўшимча варақлар тикилгани учун одатдагисидан анча қалин дафтарлар. Аксарияти сарғайган, саҳифалари титкиланавериб бироз тўзғиган. Аммо Маҳмадали бобо уларнинг батамом тўкилиб қолишига йўл бермайди, вақти-вақти билан муқоваларини алмаштириб, йиртилган бетларини ямаб туради.

Буғолтир бобонинг ҳуснихати ҳам одатда батартиб одамларга хос майда, ипга маржон тизилгандек бир хил кўринишдаги думалоқ ҳарфларда битилган.

Унинг бу ғаройиб «хобби»сини тасодифан билиб қолдик.

— Сизларни бир одамнинг ҳузурига бошлаб бормасам бўлмайди, — деди қишлоққа галдаги ташрифимиз чоғи Жума бобо Алиқулов. — Ўтган гал келганларингизда хабар юбортирмаганим учун Маҳмадали ака жуда хафа бўлдилар.

Жума бобо саксон тўртга қадам қўйган. Шундай ёши улуғ киши кимдир ҳақида ҳурмат билан «ака» деб гапирса ғалати туюларкан. Жума бобонинг ўзи тирик тарих, у кишига ака ўрнида турадиган одам қандай экан? Қизиқишимиз ортиб отахоннинг таклифини бажонидил қабул қилдик.

— Ҳали, буғолтир бобонинг гурунгини олгандан кейин менга раҳмат дейсизлар. Катта Ўрада у кишига етадиган сингир, ёдкаш одам топилмайди. Буғолтир бобо деганимга ҳайрон бўлманглар, қария ёшлигидан ҳисобчилик қилгани учун ҳамма Маҳмадали акани шундай атайди.

2.

Жума бобонинг уйидан кунчиқар томондаги тепаликка ўрлаймиз.

Нишабликка гиламдек тўшалган ўтўланлар устида оёғимиз сирпаниб юришга ҳалал беради. Олдинда эса тоғ йўлларида юришнинг ҳадисини олган Жума бобо таёғини орқасига чалиштирган қўллари билан маҳкам сиқимлаб бизнинг ҳолимиздан бехабар одимлайди.

— Ҳой, Маҳмадали ака, — навбатдаги ҳовли олдида овоз беради йўлбошчимиз.

— Ҳозир, мана чиқаяпман, — ичкаридан оппоқ соқоли кўксига тушган чаққонгина киши чиқади. — Келинг-эй Жумабой, акамдан бир хабар олай дебсиз-да.

— Суҳбатингизни соғиндим, қолаверса, меҳмонлар ҳам сизнинг гурунгингизни олмоқчи, бирда айтган йигитларим шулар. Кўпкарини китоб қилишяпти.

— Бош устига, бош устига, қани меҳмонжонлар, ичкариланглар, келганларингиз яхши бўлди-да, эндигина Чоршанби чавандоз билан гангур-гунгирлашиб ўтиргандик.

Олдинги учрашувларимиздан яхши биламиз, Чоршанби чавандоз анча сергап одам. Бировга осонликча сўз навбатини бермайди. Ўзбекчага тожикча, ўрисчани қалаштириб кетаверади, лекин шундай гапдон киши ҳам Маҳмадали буғолтирнинг ҳузурида ўзини анча тияр экан.

3.

Оппоқ соқоли кўксини қоплаб, оппоқ яктакда фаришталардек ўтирган уч отахон деярли тенгдош. Бўлса ораларида икки-уч ёш фарқ бордир. Буни ҳам англаб етиш қийин эмас, шусиз ҳам ҳузурланиб тинглаётган гурунгингизда отахонларнинг бир-бирига мурожаатига эътибор бериш кифоя.

Тўғри, баъзида беш-ўн ёшнинг фарқига бормаймиз, тенгдошлардек сенлашиб кетаверамиз. Гурунгини олаётган отахонларимиз эса бир ёш каттанинг ҳам ҳурматини жойига қўйишади.

— Шу десангиз, Жумажон, қўрга кирганимда ўзимни аяшни билмайман. Тағин гирмоннинг уруши, мана саксондан эндигина ҳатлаган бўлсам-да, ярим жон бўлиб ўтирибман.

Бу Чоршанби чавандознинг гапи.

Уч отахоннинг суҳбати қизигандан қизиди.

— Илгариги кўпкариларни эслайсизми? Биринчи солимга бир, иккинчисига икки, хуллас, ўн бешинчисига ўн беш улоқ тикилган пайтлар бўларди, — навбатдаги мавзуни ўртага ташлади Жума бобо.

— Эсламай бўладими, бир гал ўзим ҳам ўн улоқ ташланган солимни олганман. Лекин шу тўй қаерда, кимникида бўлгани ёдимга тушмаяпти.

— Мана биз биламиз-да ўша даврани, бир лаҳза кутиб турингглар.

Маҳмадали буғолтир астагина ўрнидан турди. Бедана юриш қилиб ичкари хонага кириб кетди, бироздан сўнг ўнтача қалин ён дафтарларни кўтариб чиқди. Бир зум у ёқ, бу ёғини титкилаган бўлди:

— Булар нима, — сўрадик қизиқсиниб.

— Кундаликларим, ўн беш ёшимдан буён бошимдан ўтган, ўзим шоҳиди бўлган воқеаларни қоғозга тушираман. Кўпкари давраларини эса кўрмаганимни эшитмиш орқали ҳам қайд этаман. Мана топдим.

Маҳмадали бобо дафтарлардан бирининг саҳифасига қўлини нуқиди:

— «Чоршанби шу даврада бир солимда ўн улоқ олди», деб ёзган эканман.

Ёстиққа ёнбошлаб ўтирган Чоршанби чавандоз тиззасига кўтарилди:

— Қани ўқинг-чи, буғолтир бобо, кимнинг тўйи экан.

— Бу воқеа 1969 йил 17 декабр куни Боғу Чорбоғлик уста Ҳаққулнинг тўйида содир бўлибди. Кўпкари Кенгтала майдонида чопилган, Орзу Фармон баковуллик қилган экан.

— Қойил-эй, — деди Жума бобо, биз ёдимизда қолганларни биламиз, ҳаммасини эринмасдан ёзиб борган бўлсангиз, тирик хазина экансиз, Маҳмадали ака.

Маҳмадали буғолтирнинг хазинасидан айрим саҳифаларни ён дафтаримизга тушириб олдик.

4.

— Деҳқонободнинг Бойқўрғон қишлоғида бир муддат яшаб, эшигида от асраб чоптирган Жўрабой Ашуровни (Жўра манқа номи билан машҳур эди) барча чавандозу от мухлислари яхши танийди. Унинг отларини мана мен деган таниқли чавандозлар чопди. Бир гал Қамчинбулоқдаги катта кўпкарида Сайлов чавандоз унинг жийрон отини миниб катта совринлардан бирини ҳалоллаб айиргач, от суворийси билан катта қоядан пастга тушиб кетди.

Томошабинлар орасида тойкаш отлардан бирини миниб ўтирган Жўрабой манқа эгардан сакраб тушиб, чуқур жарликка ўзини ташлади. Қоя четига югургилаб келган оломондан бирон кимса уни ушлаб қолишга улгурмади.

— «Мол аччиғи, жон аччиғи» деганлари шу-да, — деди кимдир.

— Сайловни юраги қиймагандир, — деди бошқаси.

Жўрабой манқа рўй берган синоатдан хангу-манг ўрнидан туриб йиқилаётган Сайловга кўз қирини ҳам ташламасдан жийронининг етти мучаси соғлигини кўздан кечирди. Сўнгра бамайлихотир отни етаклаб қияликдан тепага ўрлади.

Дара ичидан отни етаклаб чиққан Жўрабойдан оломон:

— Нега Сайловни ёнига яқинлашмай, бирдан отга қараб чопдингиз, — деб сўраганида:

— Сайлов билан нима ишим бор,

буғолтирнинг «хазинаси»

отим ўлмасин, — деб жавоб қайтарди.

Шу-шу Сайлов чавандоз Жўрабойнинг отини чопмай қўйди...

...Яна бир гал навбатдаги кўпкари хабарини олган бир гуруҳ қишлоқдошлар Бойқўрғондаги тўйга бораётгандик. Кутилмаганда Жўрабой бобони тагидаги жийрони олиб қочди. Асов от тўғри биздан сал нарироқда кетаётган бир тўда аёллар томонга қараб елди. Аёллар турфа томонга қочишга тушди. Шунда Жўрабой ака тулпорни бошқаролмаётган бўлса-да манқаланиб:

— Алағда бўлмай боравергинглар, отнинг жилови менинг қўлимда-ку, — деб аёлларни тинчлантиришга уринди.

Аммо уларнинг қўрққанича бор экан, лар билан боғланган шамолгоҳ, соя-салқин шийпонда боқувдаги отни ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳатто суратга ҳам тушиردик.

— Ҳали июн ойи бўлса, ҳеч ким отини боғлагани йўқ, анча вақт бор, ёки сиз икки ой боқасизми, — деб ундан шериклaримиздан бири сўради.

— «Эрталаб туриб отангни кўр, отанг бўлмаса отингни кўр», деган мақолни эшитган бўлсангиз керак. Ахир отам йил — ўн икки ой от боққанлар. Наҳотки, мен ўқимишли одам бўла туриб, икки ой боқолмасам. Отамнинг арвоҳи бир шод бўлсин дедим-да. Худо хоҳласа, шу ишни энди канда қилмай давом эттираман.

— ...Ана шунақа гаплар, ота касбини дан тушган совринлардан боқди, десам ишонмаслигингиз мумкин. Шунинг учун у киши ҳар доим чавандозларнинг ҳурматини жойига қўяр эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. 1958-1959 йиллар эди. Элда ном қозонган Шосаид чавандоз оғир касал бўлиб қолган экан. Биз ҳам ўзимизнинг ўзангидош дўстларимиз билан «Янгитурмуш» хўжалигида бўладиган кўпкарига борганимизда Менглиқул ота Шосаид чавандозни орқаларига миндириб кўпкари майдонига олиб бораётган эканлар. Кўпкари бошланганда баковулга:

